

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2019 йил 17 апрель, № 77 (7307) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 апрель куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўз навбатида, ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан меҳмондўстлик учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдириб, Буюк Британия Бош вазири Тереза Мэйнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ташқи ишлар вазири ўринбосари Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқалар фаол давом эттирилмоқда, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инновация ва банк-молия соҳаларида ҳамкорлик кенгаймоқда. 2018 йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажмида кейинги 10 йилдаги энг юқори ўсиш кўрсаткичи қайд этилди.

Жорий йил февраль ойида Тошкент шаҳрида Буюк Британиянинг етакчи компаниялари иштирокида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг навбатдаги йиғилиши самарали ўтди.

Маданий-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда. Мамлакатимизда Халқаро Вестминстер университети ва Британия Кенгашининг ваколатхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Британиянинг тўғридан-тўғри инвестицияларини, илғор тажриба ва технологияларини жалб қилган ҳолда, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан ҳал этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини алоҳида таъкидланди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

# КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 2019 йил 18 — 21 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотнинг давоми сифатида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф дастурида Президент Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида нутқ сўзлаши, давлат раҳбарларининг икки мамлакат етакчи компаниялари бизнес форумида ҳамда Тошкент шаҳрида Корея маданияти ва санъати уйининг очилиш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган. Шунингдек, Самарқанд шаҳрига ташриф режалаштирилган.

Музокаралар якунида Қўшма декларация қабул қилиниши, салмоқли ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар тўплами, шунингдек, савдо шартномалари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланиши кутилмоқда.

**ЎзА.**

## БИЗ ва ЖАҲОН

# Ўзбекистон — Корея Республикаси: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*2019 йилнинг 18 — 21 апрель кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи билан келади.*

Икки мамлакат етакчиларининг бундан олдинги учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 — 25 ноябрь кунлари Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтганди. Мазкур тарихий ташриф ўзаро серқирра алоқаларни кучайтириш учун мустаҳкам пойдевор қўйди ва Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги самарали ҳамда ўзаро фойдали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

Якунда Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилинди, давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро характердаги 20 дан зиёд битимлар, шунингдек, умумий қиймати 10 млрд. АҚШ долларилик 64 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг улкан иқтисодий, интеллектуал ва индустриал-техник салоҳиятга эга, дунё иқтисодиёти ҳамда сиёсатида янада сезиларли роль ўйнаётган Корея Республикаси унинг энг ишончли ҳамда узоқ муддатли ҳамкорига айланди.

Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 29 январь куни ўрнатилган бўлиб, шу пайтдан буён у жадал ривожланмоқда.

2006 ва 2014 йилларда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация ҳамда Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация томонларнинг XXI асрда ҳам ўзаро серқирра ҳамкорликни фаоллаштиришга содиқлиги, шунингдек, уни узоқ муддатли деб билишини яна бир бор тасдиқлади. Сўнгги йилларда ўзаро самарали алоқалар янада жўшқинлик касб этмоқда. Зеро, бу сиёсат, иқтисодиёт ва гуманитар соҳалардаги икки томонлама алоқалар ривожида ўз ифодасини топяпти.

→ 2

Алан ДУНКАН:

# ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ НИЯТИДАМИЗ

*Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дункан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Мен Ўзбекистоннинг тарафдори ва мухлиси эканимни алоҳида таъкидлашни истардим. Шу боис Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан сўнг мамлакатингизга тез орада ташриф буюрган эдим.

Биз тарихнинг муҳим палласида турибмиз. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий соҳада янада либераллашди. Президент Шавкат Мирзиёев қатор ислоҳотларни ҳаётга изчил татбиқ этмоқда. Бу Ўзбекистоннинг бизнес юритиш учун ва туризм борасида янада жозибадор бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари катта. Яқинда Буюк Британиянинг қатор компания ва фирмалари вакиллари юртингизга ташриф буюрган эди. Мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинишини истаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз. Бу ҳамкорлик нефть-газ, тоғ-кон, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари каби соҳаларни қамраб олади. Ўзаро алоқаларни янада тараққий эттиришга бор куч ва имкониятимизни сафарбар қиламиз.

Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортиб бораётганини таъкидламоқчиман. Илгари қўшни мамлакатлар билан баҳсли масалалар мавжуд эди. Ҳозир ҳеч қандай мунозара қолмади. Президентингиз қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни қайта тиклади. Бу минтақада барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда жуда муҳим. Амалга оширилаётган ички ислоҳотлар сармоя киритишда долзарб аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

**ЎзА.**

# Ўзбекистон — Қозоғистон: ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИШОНЧНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти:**

— Биз қардош Қозоғистон билан йўлга қўйилган дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини қадрлаймиз ва энг яқин қўшнимиз билан мулоқот ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиламиз.

Биз бир-биримизга ҳамиша елкадош бўлиб келганмиз, хавф-хатарларга қарши биргаликда курашганмиз, бугун эса умумий ёрқин келажагимизни ҳам бирга қурмоқдамиз.

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти:**

— Биз доимо ўзбекларни ўзимизга қону қардош билганмиз ва шундай ҳисоблашда давом этамиз.

Ўзбек халқи ҳам бизга нисбатан шундай илиқ туйғулар туяётгани бизга яхши маълум.

Қардош халқларимизни ягона тақдир ва умумий келажак боғлаб туради.

**1998 йил** Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

**2013 йил** Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қабул қилинди.

**2018 йил** Чимкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилди.

**2019 йил** Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи минтақавий иқтисодий форуми бўлиб ўтди.

**Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Қозоғистон БМТ, ШҲТ, МДҲ, ИҲТ, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қозоғистон мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ шафелигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлади.**

2-саҳифага қаранг. →

# ФРАНЦИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЛК ФАХРИЙ КОНСУЛЛИГИ САМАРҚАНДДА ОЧИЛДИ

*Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилда Францияга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янги босқичга олиб чиқди. Стратегик ҳамкорликнинг амалий натижаси сифатида Самарқанд шаҳрида Франциянинг фахрий консуллиги ташкил этилди.*

## Ҳамкорлик

— Ўзбекистон Марказий Осиёда Франция фахрий консуллиги очилган илк мамлакат бўлди, — дейди Франциянинг Европа ва ташқи ишлар бўйича вазири ҳузуридаги давлат котиби, юртимизга ташриф буюрган Франция делегацияси раҳбари Жан-Батист Лемуан. — Бу мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни, айниқса, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади. Сайёҳлик салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётган Ўзбекистоннинг дунёдаги машҳур брендлардан бирига айланишига имкон яратади. Яқин келажакда Луврда юртингизнинг бебаҳо тарихий ва маданий дурдоналари кўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган. Бу тадбир Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтиради.

Ташриф доирасида Франция делегацияси аъзолари Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов билан музокара олиб боришди, Франция тараққиёт агентлигининг қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш лойиҳаси амалга оширилиши билан танишиб, қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойларида бўлишди.

**Ринат АБДУЛЬМАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ТУРИЗМ, ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ, ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

*2019 йил 16 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.*

Парламент вакиллари дастлаб “Туризм тўғрисида”ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис қуйи палатасининг шу йил 2 апрелда бўлиб ўтган мажлисида мазкур лойиҳа “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қонун лойиҳаси кўринишида иккинчи ўқишда қизғин муҳокама қилинган эди. Унда депутатлар томонидан билдирилган фикр, муҳокама ва таклифларнинг асосий мақсад-моҳияти амалдаги “Туризм тўғрисида”ги Қонунга қарийб етмиш фоиз ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани, туризмга эндиликда иқтисодиётнинг стратегик мақоми берилганидан келиб чиқиб, лойиҳа учинчи ўқишга “Туризм тўғрисида”ги янги қонун сифатида тайёрланди. Унда белгиланган 21 асосий тушунчадан 9 таси, масалан, “туристик хизматлар буюртмачиси”, “жойлаштириш воситаси”, “туристик фаолият” каби тушунчалар тегишли моддаларга сингдирилди ва асосий тушунчалар сирасидан чиқариб ташланди. Лойиҳа қатор янгиликлар, янги атамалар ва тушунчаларга бой бўлгани учун Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясида қонун ижодкорлари, мутахассислар ва тилшунослар иштирокида яна бир бор муҳокамадан ўтказилиб, юридик атамалар ва тил қоидаларига тўлиқ мувофиқлаштирилди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамаларга бой бўлди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг ривожланиши учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мамлакатнинг энергетик, экологик ва иқтисодий хавфсизлиги мақсадларида, шунингдек, республика энергетикасининг барқарор ривожланиши учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қайта тикланувчи энергетика чекка, тоғли ва узоқ ҳудудларнинг энергия таъминотида иқлим шароитимизга мос қуёш ресурслари, кичик гидроэнергетика, шамол ресурслари, биомасса ва геотермал энергия иқтисодий асосланган энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Муҳокамалар чоғида қайд этилганидек, айни соҳадаги муносабатларни тартибга солиш борасида қатор норматив ҳужжатлар, тегишли қарорлар қабул қилинган, кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

→ 3

## Ўзбекистон — Корея Республикаси:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

◄1

Мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли тизимли ислоҳотлар Жанубий Кореянинг расмий ва ишбилармон доиралари томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Парламентлараро алоқалар, ҳукумат делегациялари алмашуви фаоллашмоқда, ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар механизми самарали амалга оширияпти, халқаро ташкилотлар доирасидаги ўзаро яқин мулоқотлар муваффақиятли олиб борилаётир.

Хусусан, расмий Сеул 2018 йил Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" ҳамда "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюциялари ҳаммуаллифлари қаторидан жой олди.

Ўзбекистон, ўз навбатида, Корея Республикасининг тинчликсевар ва барқарор ташқи сиёсати, унинг Корея яриморолида тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, уни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш бўйича саъй-ҳаракатларини изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Халқаро, давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 170 дан ортиқ ҳужжатларни ўз ичига олган салмоқли шартномавий-ҳуқуқий база бугунги кундаги ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қиляпти. Икки томонлама муносабатларда ўзаро иқтисодий алоқалар асосий ўринни эгаллайди.

1,6 трлн. АҚШ доллари ҳажмидаги ЯИМ билан дунё иқтисодиётида 11-поғонани эгаллаб турган Корея Республикаси Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий ва инвестициявий шеригидир.

Жанубий Кореянинг йирик банклари ва компаниялари иштирокида мамлакат саноати ҳамда инфратузилмаларини диверсификация ва модернизация қилиш бўйича маҳаллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўнлаб йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Ўтган даврда Корея Республикасидан юртимиз иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 5 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди.

Корея Эксимбанки ва "EDCF" (Economic Development Cooperation Fund) жамғармаси билан молиявий ҳамкорлик доирасида республикамизда устувор сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда биргаликда молиялаштириш учун мос равишда қарийб 2 млрд. ва 300 млн. АҚШ долларидан зиёд кредит ресурслари жалб этилди.

Айни пайтда Корея Эксимбанки кредит линияси бўйича мамлакат тижорат банклари билан биргаликда умумий қиймати 305 млн. АҚШ долларилик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган. Бундан ташқари, "EDCF" линияси бўйича 2019-2020 йилларда умумий қиймати 608 млн. АҚШ долларилик 6 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳам Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. У билан самарали алоқалар беғараз хизматлар, асбоб-ускуналар ва технологиялар тақдим қилиш, ўзбекистонлик мутахассисларни Жанубий Кореядаги етакчи ўқув марказларида ўқитиш, корейс мутахассисларини мамлакатимизга юбориш каби йўналишларда олиб бориляпти.

KOICA линияси бўйича Ўзбекистон Республикасига кўрсатилган беғараз ёрдам 1995 — 2018 йилларда 100 млн. АҚШ долларидан ошди. Ушбу маблағлар соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, коммунал хўжалик, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, транспорт каби соҳаларда лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун йўналтирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган замонавий шароитлар ва имкониятлар, иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожига туртки бермоқда. Хусусан, 2018 йилда икки томонлама савдо айланмаси 2,1 млрд. АҚШ долларига етди. Бу 2017 йилдагига нисбатан 50 фоиз кўпдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Корея Республикаси инвесторлари иштирокида 660 та, жумладан, 354 та тўлиқ хориж капитали иштирокидаги корхона фаолият олиб бормоқда. Бу ҳам икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ўзаро манфаатдорлик касб этишидан далолат бериб турибди. Юртимизда Корея Республикасининг 75 та компанияси аккредитациядан ўтказилган. Улар нефть-газ, нефть-кимё, кимё, кон, машинасозлик, электр техникаси ва тўқимачилик тармоқлари, АКТ, транспорт, логистика ва туризм соҳалари вакилларидир.

1994 йилда ташкил этилган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўмита иқтисодиёт соҳасидаги ўзаро алоқаларни изчил чуқурлаштириб боришда амалий механизмга айланди.

Ўзбекистон экспорт салоҳиятининг мустаҳкамланиши ва дунё стандартларининг юқори даражасига мос ўзбек маҳсулотларига бўлган қизиқишнинг ўсиши 2018 йилда Жанубий Кореянинг Инчондаги энг йирик логистика марказида маҳаллий товарлар "шоу-руми" билан "Ўзбек — корейс савдо уйи" очилишига хизмат қилди.

Бугунги кунда томонлар турли соҳаларда қўшма марказлар очиш масаласини кўриб чиқяпти. Транспорт инфратузилмалари соҳасида "Ўзбек — корейс ҳамкорлик маркази", "Ўзбек — корейс ўқув-амалий технопарки", "Нодир металлар ва қотишмалар илмий-технологик маркази", "Кимё технологиялари маркази", "Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази" ва бошқа муассасалар ана шулар жумласидандир.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳудудлараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида 2008 йилда ҳамкорлик бўйича "Корея Республикаси — Марказий Осиё" форуми ташкил этилганди. Бундай форматдаги учрашувлар ишбилармонлик борасидаги шерикликнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини белгилаб олиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда қўллаб-қувватлашда маданий-гуманитар алоқалар ҳам катта роль ўйнамоқда.

Ушбу йўналишдаги мустаҳкам алоқалар узоқ тарихга эга. Ўзбеклар ва корейслар ўртасидаги мустаҳкам ришталар илдизи VII асрга бориб тақалади. Ўшанда Когурё корея сулоласи элчилари ўзбек заминига савдо ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш учун йўл олишган. Самарқанддаги Афросиёб қадимги шаҳар деворларига солинган расмлар уларнинг ташрифи ҳақида яққол гувоҳлик бериб турибди.

Халқларимиз менталитети ва дунёқараши, миллий урф-одатлари ҳамда қадриятлари ўртасида сезиларли даражада ўхшашлик бор. Ўзбекистонда яшовчи кўп минг сонли корейс диаспораси (қарийб 200 минг киши) кўп миллатли ўзбек жамиятининг ажралмас қисмига айланиб кетгани ҳам бунинг тасдиғидир. Мазкур диаспора мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, унинг саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини кучайтириш, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа соҳаларда ўсишга эришиш йўлида улкан ҳисса қўшмоқда.

**Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган замонавий шароитлар ва имкониятлар, иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожига туртки бермоқда. Хусусан, 2018 йилда икки томонлама савдо айланмаси 2,1 млрд. АҚШ долларига етди. Бу 2017 йилдагига нисбатан 50 фоиз кўпдир.**

**Бугунги кунда Ўзбекистонда Корея Республикаси инвесторлари иштирокида 660 та, жумладан, 354 та тўлиқ хориж капитали иштирокидаги корхона фаолият олиб бормоқда.**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз яшаётганининг 80 йиллиги муносабати билан йўллаган табрик сўзида давлат раҳбари барча корейс юртдошларимизга умумий уйимиз — жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги фидокорона ҳамда самарали меҳнати учун самимий миннатдорлик билдирган эди.

Бинобарин, давлатимиз корейс миллатига мансуб фуқароларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиб, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминламоқда, маданияти, тили ва анъаналарини сақлаш учун барча шароитни яратиб беряпти.

Ушбу йўналишда Корейс маданият марказлари уюшмаси ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси катта ишлар қиляпти. Хусусан, Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда кинофестиваллар, бадиий ва фотокўргазмалар, корейс қўшиқлари ва нотиқлик санъати танловлари, мода кўргазмаси, шунингдек, таэквондо бўйича спорт турнирларини ўз ичига олган "Корейс маданияти ҳафталиги" ўтказиб келинмоқда.

1999 йилда тузилган "Ўзбекистон — Корея Республикаси" дўстлик жамияти ҳам турли тадбирлар, маданият кунлари ва фестиваллар ўтказиш орқали икки мамлакат халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётир.

Шулар билан бир қаторда, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд давлат чет тиллари институти ҳузурида очилган корейс тили ва маданияти марказлари фаолият юритиб келяпти. Юртимиздаги 13 та олий ўқув юрти ҳамда 48 та мактабда корейс тили ўқитилмоқда. Корейс тилида китоблар ва газеталар чоп этилаётир, кўргазмалар, концертлар, фестиваллар, корейс ижодий жамоаларининг Ўзбекистонга гастроллари уюштирилмоқда.

Айни чоғда ўзбек тили Жанубий Кореяда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётир. Хусусан, Жанубий Кореянинг Тэгу ва Пусан чет тиллари университетларида ўзбек тили ҳамда адабиёти бўйича бўлинмалар очилган.

Таълим соҳасидаги алоқалар жадал равнақ топяпти. Мамлакатларимиз ОТМлари Жанубий Кореядаги 45 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро алоқаларни олиб боряпти.

Пойтахтимизда Жанубий Кореянинг тўртта олий таълим муассасаси филиали очилгани ҳар икки томон ҳам ушбу йўналишдаги ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини кўрсатиб турибди. Масалан, 2014 йилда Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро андозалар даражасида мутахассислар тайёрлайдиган Инҳа университети ташкил этилди. 2018 йилда мактабгача таълим соҳаси учун кадрлар етказиб берадиган Пучон университети фаолият бошлади. Архитектура ва қурилиш, муқобил энергетика, бизнесни бошқариш ва туризмга ихтисослаштирилган биринчи хусусий ОТМ — Ёджу университети очилди. 2019/2020 ўқув йилидан асосий йўналишлари электротехника, қурилиш муҳандислиги ва тиббиёт бўлган Аджу университети ҳам фаолият бошлайди.

Соғлиқни сақлаш ҳам ҳамкорликнинг муҳим жабҳаларидан биридир. Ушбу соҳада Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг молиявий-техник кўмаги билан Жанубий Кореядаги етакчи клиника ва марказларда тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш бўйича кенг кўламли лойиҳалар амалга ошириляпти, Жанубий кореялик мутахассислар билан ҳамкорликда аҳоли беғараз кўрикдан ўтказилмоқда ва операциялар қилиняпти.

Ҳозирга кунда "EDCF" жамғармаси молиявий маблағларини жалб этган ҳолда Тошкентда "Болалар кўп функционал марказини яратиш" бўйича қиймати 130 млн. АҚШ долларилик йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, "EDCF" иштирокида 150 млн. АҚШ долларилик "Катта ёшдаги контингентни даволаш учун IV даражадаги миллий кўп тармоқли жарроҳлик клиникасини яратиш" лойиҳасини ишлаб чиқиш бошланди. Соғлиқни сақлаш соҳасида "Ўзбек — корейс маркази"ни ташкил этиш масаласи ҳам кўриб чиқиляпти.

Ҳудудий даражаларда Тошкент ва Сеул, Фарғона ва Ёнгин, Наманган ва Сонгнам, Самарқанд ва Кёнджу, Тошкент вилояти ва Кёнсан-Пукто провинциялари ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган.

Корея Республикаси халқи Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга катта ҳурмат билан қарайди. Хусусан, 2017 йилда журналист Чо Чоль Хён муаллифлигида корейс тилида "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев" номли китоб чоп этилди. Унда Шавкат Мирзиёевнинг давлат фаолияти ҳақида батафсил сўз боради, турли маросимлар ва тадбирларда қилган чиқишларидан иқтибослар келтирилади. Китоб 320 саҳифада 50 минг нусхада чоп этилди. Бундан ташқари, 2017 йил ноябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон Президентига Сеул шаҳрининг фахрий фуқароси унвони берилди.

Ўз навбатида, корейс халқи, унинг тарихи ва маданиятига ҳурмат рамзи сифатида Тошкентдаги "Дўстлик боғи" ҳудудида Сеул парки очилди, Жанубий Корея пойтахти шарафига Тошкентдаги марказий кўчалардан бирига Сеул номи берилди.

Умуман, бугун икки стратегик шерик — Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳа ёки дастурга эга бўлмаган соҳа қолмади. Мазкур салмоқли рўйхат навбатдаги ташаббуслар билан мунтазам тўлиб боряпти. Бу эса икки томонлама муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқмоқда.

Шубҳасиз, Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига бўлажак давлат ташрифи ва унинг якунлари стратегик шериклик даражасини янги босқичга олиб чиқади, тенг ҳуқуқли ва ишончли ҳамкорларнинг ўзаро сиёсий мулоқотини мустаҳкамлайди. Бу эса икки давлат юксалиши ва гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

**Наргис САИДАЛИЕВА.**
«Дунё» АА

---

# Ўзбекистон — Қозоғистон: ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИШОНЧНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг юртимизга амалга оширган давлат ташрифи халқаро экспертлар ва оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди.*

### Дунё нигоҳи

# «ТУҒИШГАН ЯҚИНИНГ — ЯҚИН ЭМАС, ЯҚИН ҚЎШНИНГ — ЯҚИН»



Жумладан, **Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти Таҳлилий маркази директори, сиёсий фанлар доктори Андрей Казанцевнинг** фикрича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан ниҳоятда илиқ муносабатлар ўрнатган бўлиб, Қосим-Жомарт Тоқаев ҳам ушбу анъанани давом эттирмоқда. Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган, минтақанинг аҳоли сони жиҳатидан энг йирик давлати бўлмиш Ўзбекистонсиз ушбу макондаги ҳамкорлик ўз аҳамиятини йўқотади. Шу сабабли, Қозоғистон Ўзбекистон билан барча соҳада алоқаларни ривожлантиришга интилмоқда. Мазкур икки давлатнинг яқин алоқалари минтақада хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.





**Россияда хизмат кўрсатган илм-фан арбоби, Россия Фанлар академияси Бозорларни ўрганиш институти бош илмий ходими Наби Зиядуллаев** қайд этганидек, расмий Тошкент ва расмий Нур-Султон сўнгги икки йилда кўплаб муаммоларни биргаликда ҳал қилиб, минтақавий ҳамкорликнинг пойдеворини қўйди.

**Қозоғистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти директори ўринбосари Санат Кушкумбаевнинг** сўзларига кўра, Ўзбекистон шунчаки қўшни эмас, балки минтақадаги энг йирик ва Қозоғистон учун муҳим ҳамкордир. Мулоқотда "Туғишган яқининг — яқин эмас, яқин қўшнинг — яқин" ("Туысы жақын — жақын емес, қўнысы жақын — жақын") деган қозоқ халқ мақоли бежиз тилга олинмади. Ўзбекистон, Кушкумбаевнинг фикрича, Қозоғистон иқтисодий тараққиётидаги муҳим йўналишдир. Расмий Тошкентсиз минтақавий ҳамкорликни қуриб бўлмайди. Ташриф мобайнида имзоланган ҳужжатлар мажмуаси томонларнинг келажак учун катта режалар белгилаётганидан далолат беради.

2018 йил ноябрь ойида Чимкент шаҳрида ўтган биринчи Ўзбекистон — Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ҳамда 2019 йил мартда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи минтақавий иқтисодий форуми якунлари ижобий самаралар бермоқда.

Яқин истиқболда савдо, инвестициялар, логистика соҳаларида истиқболли янги лойиҳаларни амалга ошириш, интеграциялашган саноат технопарклари, илмий-инновацион кластерлар ва эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш бўйича ишлар давом эттирилади.

**Қозоғистоннинг "Kazinform" халқаро ахборот агентлиги** ташриф билан боғлиқ барча тадбирни батафсил ёритди. Хусусан, унда таъкидланишича, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимида Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилади. Чунончи, турли соҳаларга оид 10 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Солиқ резидентлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатларни тан олиш тартиби, Ўзбекистон ва Қозоғистонда фаолият юритаётган икки мамлакат фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний миграцияга қарши курашиш тўғрисида битимлар, "Марказий Осиё" савдо-иқтисодий ҳамкорлик марказини ташкил этиш тўғрисида меморандум ҳамда бошқа соҳаларга оид келишувлар шулар жумласидандир.

Қолаверса, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум қабул қилинди.

Қозоғистоннинг янги Президенти мамлакат ташқи сиёсатидаги изчилликни давом эттирган ҳолда, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилмоқда, деб ёзади **"EurAsia Daily" таҳлилий журнали (Россия)** шарҳловчилари. Ўзаро мулоқот чоғида томонлар 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномада белгилаб берилган барча тамойил ҳамда мажбуриятларга амал қилишларини баён этдилар. Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши кураш борасида якдиллик билдирдилар.

"Саммит доирасида Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш, шунингдек, ўтказиш пунктларининг самарали фаолиятини таъминлаш жараёни муваффақиятли давом эттирилаётгани мамнуният билан таъкидланди. Бу икки мамлакат чегарадош ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароитини салмоқли даражада яхшилаш, трансчегаравий иқтисодий алоқалар ва гуманитар алмашинувларни жонлантириш, фуқароларнинг ўзаро ташрифларини фаоллаштиришга хизмат қилаётир".

**Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги**да Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратиши қайд этилди. Журналистларнинг фикрича, сўнгги йилларда расмий Тошкент томонидан амалга оширилган фаол саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ икки давлат савдо айланмаси ҳажми изчил ўсиб бормоқда.

"Биргина 2018 йилнинг ўзида мазкур кўрсаткич қарийб 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошди, — дейди агентлик. — Яқин йилларда ушбу рақам 5 миллиард долларга етказилиши кутилаётир. Шу билан бирга, савдо алоқалари номенклатурасини кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорликнинг узоқ муддатли янги шаклларини топиш ва ривожлантириш вазифаси белгилаб олинган. Айниқса, инвестициялар ва логистика соҳаларида истиқболли янги лойиҳаларни амалга ошириш, интеграциялашган саноат технопарклари, илмий-инновацион кластерлар ҳамда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бу борада ҳар икки томон учун ҳам ўзаро манфаатли бўлади".

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

---

### Муносабат

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

*Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон муносабатлари ҳар жиҳатдан юқори босқичга кўтарилди. Муҳими, халқларимиз бунинг самарасини яққол ҳис қилишмоқда.*

Ўзбек ва қозоқ халқларининг ўтмиши, илдизи бир, неча асрларки, аҳил-иноқ яшаб келган, яхши-ёмон кунларда бирга бўлган. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг юртимизга амалга оширган давлат ташрифи асносида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкам эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик руҳида кечган ташриф ҳамда Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросимини ҳар икки мамлакат фуқаролари катта ҳаяжон ва қувонч билан кузатишди.

Таъкидлаш жоизки, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги ҳамда 2013 йилдаги Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномалар асосида жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро сиёсий масалаларда доимо бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Мамлакатларимиз икки томонлама ҳамда БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келаётир. Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашига муваққат аъзоликка сайланишини ёқлаган бўлса, ўз навбатида, Қозоғистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик икки томонлама муносабатда ҳам устувор масала бўлиб, 2018 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошди. Бу рақамни яқин йилларда 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган.

Икки давлат ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик муносабатлари ҳам ривожланиб боряпти. Парламентларимиз ўртасида дўстлик гуруҳлари тузилиб, улар самарали фаолият кўрсатаётгани бунга яққол мисолдир. Ўтган даврда дўстлик гуруҳлари ўзаро тажриба алмашинув ва яқиндан танишув масалалари доирасида бир неча бор ташрифларни амалга оширдилар.

Ўтган йил ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги делегация Қозоғистонга ташриф буюрди. Бир неча кун давомида самарали мулоқот ва учрашувларда қатнашиш имконига эга бўлдик.

Хусусан, Қозоғистоннинг биринчи Президенти Н. Назарбоев билан бўлган учрашув Қозоғистон раҳбариятининг халқимизга ҳурмати нечоғли юксаклигини кўрсатди. Шунингдек, ташриф давомида Қозоғистон Сенати Раиси, Қозоғистон Мажлиси Спикери, Нур-Султон шаҳар ҳокими ва бошқа қатор юқори даражадаги масъуллар билан ўтказилган икки томонлама музокаралар Марказий Осиёда парламентлараро муносабатларни яхшилаш борасидаги ишлар учун кенг имкониятлар яратди.

Очиғи, мамлакатлар тарихида бирор-бир давлат учун бутун йил номини бағишлаш камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ушбу ҳаракатларнинг ўзиёқ икки халқ ҳамда давлатнинг бир-бирига бўлган ҳурмати чексизлиги ифодасидир.

Умуман олганда, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг юртимизга ташрифи халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичда ривожлантиришга хизмат қилиши билан улкан аҳамиятга эга.

**Расул КУШЕРБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

Форум

## Ўзбекистон — Италия:

# БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ НИЯТИДА

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон — Италия бизнес форуми ўтказилди.*

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жасимов ва Италиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Бертоцци юртимизда хорижий сармоядорларга кенг имкониятлар яратилганини таъкидладилар. Айниқса, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиниб, уларнинг иштирокчиларига алоҳида имтиёзлар берилаётгани эътироф этилди. Бинобарин, ўтган йили икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 303,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Айни пайтда юртимизда Италия сармояси иштирокида 33 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг тўрттаси ушбу мамлакатнинг тўлиқ капитали асосида тузилган. Корхоналарнинг аксарияти алкоголсиз ичимликлар, шиша идишлар, парфюмерия, музқаймоқ, тўқимачилик маҳсулотлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳамда пахта чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Италиянинг 5 та фирма ҳамда компанияси ваколатхонаси, шунингдек, Италия — Ўзбекистон савдо палатаси аккредитациядан ўтказилган.

Бугунги ривожланишнинг янги босқичида булар етарли эмас, албатта. Шу боис қўшимча имкониятларни ташаббусларни ишга солиш лозим. Мазкур тадбирлар эса айни шу масалаларни ҳал этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Унда Италиянинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари, фармацевтика, кимё, озиқ-овқат, қандолатчилик маҳсулотларини қадоқлаш жиҳозлари тайёрловчи, кўргазмалар ташкил этувчи 10 та етакчи компанияси вакиллари қатнашди.

Форум доирасида икки мамлакат ишбилармонларининг "B2B" форматидаги учрашуви ҳам ўтказилдики, унда 50 га яқин маҳаллий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари италиялик ҳамкасблари билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашдилар.

Ҳозирги пайтгача икки давлат ишбилармонлари ўзаро савдо алоқаларида ип, мато, пахта, қуритилган мевалар, электротехника, автомобиль эҳтиёт қисмлари, пластмасса буюмлари, қурилиш материаллари асосий ўринни эгаллаган бўлса, мазкур тадбирлар бу борадаги имкониятни кенгайтиришга хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТУРИЗМ, ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ, ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

◄1



Ушбу соҳада алоҳида қонуннинг қабул қилиниши эса, аввало, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада кенг ривожлантириш ва жорий этишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани, соҳадаги ишлар учун қонуний асос, кафолат яратиш орқали чет эллик инвесторларнинг ишончини қозониш ҳамда манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида, ижтимоий соҳаларда энергия самарадорлигини ҳамда ёқилғи-энергетика балансини, мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлаш, соҳада давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ва мажмуавий чора-тадбирларини тизимли мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамаларида билдирилган асосий эътирозлар — ҳаволаки нормалар бартараф этилди, соҳанинг ваколатли органи аниқ белгиланди.

Мажлисда муҳокамаси қизғин кечган масалалардан яна бири "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Қайд этилганидек, мазкур лойиҳа мамлакатимизда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосини яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ, давлат-хусусий шериклик юзасидан лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш бўйича ягона қоида ва тартиботни ўрнатишни кўзда тутади. Лойиҳанинг қабул қилиниши чет эл инвестицияларини янада кенг жалб этиш, истиқболли лойиҳаларни халқаро тажриба асосида амалга оширишга имкон беради. Бундан ташқари, қўшимча иш ўринлари яратилишига, давлат-хусусий шериклик жараёнларига жалб қилинадиган соҳаларда мутахассисларнинг малакасини юксалтиришга кўмаклашади.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамалари мобайнида сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари ўзларининг қатъий муносабатини баён этди. Жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП) фракцияси аъзоларининг фикрича, ўтган даврда юртимизда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, институционал ислоҳотлар инвестиция муҳитини яхшилашга, хорижий ва маҳаллий инвесторлар сонининг ортиб боришига кўмаклашиши баробарида, анъанавий равишда давлат тасарруфида ва бошқарувида бўлган иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммо ҳамда камчиликлар давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни жадаллаштириш юзасидан муҳим чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Лойиҳа ЎзЛиДеПнинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш борасидаги устувор вазифаларига тўлиқ мос келади.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари қонун лойиҳаси хусусида фикр юритар экан, унинг қабул қилиниши Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратишига ишонч билдирди. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, халқаро тажриба асосида лойиҳаларни амалга оширишга имкон яратишини маълум қилди. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси қўшимча иш ўринлари очилишига, давлат-хусусий шериклик жараёнларига жалб этиладиган мутахассисларнинг билим ва маҳорат даражасини оширишга ёрдам бериши қайд этилди. Ушбу партия сайловолди дастурида айни йўналишда белгиланган устувор мақсад-вазифаларга тўла мос келадиган ушбу қонун лойиҳасида давлат-хусусий шерикликнинг мақсад ва мезонлари, амал қилиш муддати, таъсир этиш соҳалари, шартнома томонлари ҳамда институционал механизми аниқ белгиланганлари баён қилинди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан ҳам партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда чуқур таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий соҳа объектларини қуриб, фойдаланишга топшириш борасидаги кўплаб муаммолар ечимига ҳам хизмат қилади. Ўз навбатида, фракция аъзолари лойиҳанинг Ўзбекистон ХДП сайловолди дастуридаги вазифалар билан ҳамоҳанглигидан келиб чиқиб, уни қўллаб-қувватлашини билдирди. Шу билан бирга, фракция аъзолари томонидан давлат-хусусий шериклик муносабатлари давлат манфаатларини ҳисобга олиб, ҳар томонлама мақбул шартларда, адолатли бўлиши юзасидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг нуқтаи назарига кўра, лойиҳада акс этган масалалар мазкур партиянинг дастури ва мақсадларига мос келади. Фракция вакиллари давлат томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, бизнес тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини янада ошириш, давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда бу борада қонунчилик базасини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида белгиланганини қайд этиб ўтишди. Шуларни инобатга олиб, фракция қонун лойиҳасини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш билан бирга, у иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга хизмат қилишига умид билдирди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати.**

Сайлов — 2019

*Статистик маълумотлар сайловчилар орасида айнан аёллар фаолроқ эканини кўрсатади. Мисол учун, биргина пойтахтимизда бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларига сайловларда овоз берганларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этган. Улар сайланиш ҳуқуқидан фойдаланиш борасида ҳам ўзларини тўлақонли намоён қилмоқдами?*

# ХОТИН-ҚИЗЛАР САЙЛОВДА ФАОЛ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланиши муносабати билан ўтказилган тадбирда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Бу келишув хотин-қизларнинг мамлакатимизда ўтказиладиган сайловларда иштирок этишда конституцион ҳуқуқларидан фойдаланишини таъминлашда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришни кўзда тутади.

Жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимиз парламентига, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бораётган бир шароитга тўғри келмоқда.

— Келишув сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини биргаликда таҳлил қилиш, сайловларни ўтказишда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳамда уларнинг сайлов ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишни назарда тутади, — дейди Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов. — Қилинадиган ишларнинг аниқ манзилли йўналишлари белгиланган "Йўл харитаси" ҳам ишлаб чиқилди. Бунда, асосан, қўшма форумлар ўтказиш, таҳлилий ахборот-маълумотнома материаллари ва услубий тавсиялар тайёрлаш ҳамда чоп этиш, ҳуқуқий тушунтириш ишларини олиб бориш кўзда тутиляпти. Бугун имзоланган ҳужжатлар Марказий сайлов комиссияси билан Хотин-қизлар қўмитаси ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаради.

Ўз навбатида, хотин-қизлар қўмиталари раислари ва мутахассисларига сайлов жараёни юзасидан ҳуқуқий таълим бериш билан бирга, депутатликка номзод аёллар учун сайлов тартиб-таомиллари, ҳуқуқий маданият ҳамда уларнинг етакчилик хислатларини оширишга қаратилган турли ҳуқуқий таълим тадбирларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ҳамкорлигимиз, биринчи навбатда, мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева. — Айни пайтда вакиллик органлари ва парламент депутатлари орасидаги хотин-қизлар улуши 15 фоизни ҳам ташкил этмайди. Йил охирида бўлиб ўтадиган сайловлардан сўнг бу натижанинг яхшиланишига эришиш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларимиз иштирокини кучайтириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Мақсадимиз — сайловларда хотин-қизлар орасидан номзод кўрсатилишини 50 фоизгача етказиш ва депутатлар орасида уларнинг улуши 30 фоиздан кам бўлмаслигига эришишдан иборат. Ҳамкорлик доирасида ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган фаол хотин-қизлар иштирокида сиёсий ўқувлар, давра суҳбатларини ташкиллаштириш режалаштирилмоқда.

Келишув Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Норбоева томонидан имзоланди.

Тадбирда мазкур келишувни амалга оширишга қаратилган "Йўл харитаси" ҳам тасдиқланди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Тараддуд

# Ишчи гуруҳларга қўлланмалар етказиб берилди

*Шу йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари сайловига юртимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда.*

Бугун Оролбўйида 411 фуқаролар йиғини бўлиб, уларда ушбу сиёсий тадбирни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилляпти, жумладан, ўқув-семинарлар уюштирилаётир.

Ана шундай ўқувларнинг навбатдагиси Чимбой туманида бўлиб ўтди. Унда иштирок этган сайловни ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзолари, ишчи гуруҳлар раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари фаолларига бу галги сайловнинг ўзига хос жиҳатлари ва қонунчиликдаги янгиликлар хусусида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, туманда сайлов ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар сони 69 минг 718 нафарни ташкил этиши ҳамда ҳар бир маҳалладаги сайлов ўтказиладиган объектлар шуни ҳисобга олган ҳолда танланганини таъкидланди.

— Ҳозир ишчи гуруҳлар томонидан ҳар бир овул, кўча ва хонадондан сайловда вакил сифатида қатнашадиган фуқаролар аниқланмоқда, — дейди туман сайловга кўмаклашувчи комиссияси раиси Бекбосин Ганиев. — Қолаверса, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича услубий тавсия ҳамда қўлланмалар ишчи гуруҳларга етказиб берилди. Ишлар шу асосда йўлга қўйилса, сайловлар демократия тамойилларига мос равишда ўтади ва энг муносиб номзодлар фуқаролар йиғинлари раислари сифатида сайланади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ**
**«Халқ сўзи».**

# НОЁБ ИЛМИЙ МЕРОС

## германияликлар билан бирга тадқиқ қилинади

*Яқинда Германиянинг Гамбург шаҳрида Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданияти, ноёб осориатиқалари, зиёрат туризми салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазма ташкил этилди.*

*Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан уюштирилган кўргазмада Гамбург университети профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар ҳамда ватандошларимиз қатнашди.*

Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад — жаҳоннинг етакчи тадқиқот марказлари, эксперт ва илмий доираларни мамлакатимизнинг қадимий ҳамда бой тарихи, танти ва олижаноб халқи, бу кўҳна заминда асрлар давомида шаклланган бағрикенглик маданияти билан таништириш, Ўзбекистоннинг хориждаги дўстлари сафини янада кенгайтиришдан иборат.

Тадбир давомида сўнгги йилларда мамлакатимизда диний-маърифий йўналишда амалга оширилган ислоҳотлар, ислом маданияти ҳамда илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган буюк аллома аждодларимиз илмий-маънавий меросини ўрганишга қаратилаётган эътибор ҳақида ҳикоя қилувчи тақдимотлар ўтказилди.

Мулоқотлар Гамбург университетининг Осиё ва Африка институтида давом этди. Унда Гамбург университети билан ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Томонлар биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, германиялик профессор-ўқитувчиларнинг Ўзбекистонда маърузаларини ташкил қилиш, тадқиқотчилар алмашинувини йўлга қўйиш, ноёб қўлёзмаларни қайта тиклаш бўйича ҳамкорликка оид дастлабки келишувларга эришдилар.

Делегация аъзолари Гамбургдаги Қадимий қўлёзмалар маданиятини ўрганиш марказида ҳам бўлиб, ноёб китоблар ва тарихий ашёларни қайта тиклаш, тадқиқ этиш фаолияти билан яқиндан танишдилар. Энг замонавий ускуналарга эга мазкур лабораторияда қўлёзмаларнинг китобат тарихи, ёзув услубига оид тадқиқотлар амалга оширилади. Бу ерда қўлёзмаларнинг зарар етган варақларидаги ўчиб кетган ёзувларни қайта тиклаш имконияти мавжуд.

— Яқинда катта илмий аҳамиятга эга янгиликнинг устидан чиқдик, — дейди лаборатория илмий ходими Себастиан Бош. — Ўрта асрларга оид нодир қўлёзмани ўрганишимиз чоғида қайта ёзилган ёзув остида қадимий мусиқа ноталари мавжудлигини аниқладик. Бу нота Европа мусиқа маданиятининг унутилаёзган нусхаси экан.

Шубҳасиз, минг йиллик тарихдан сўзловчи қадимий қўлёзмаларни асраб-авайлаш, улар ўз қатида сақлаб келаётган тилсимларни ошкор қилишда замонавий ёндашувларга эга тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Гамбургдаги Қадимий қўлёзмалар маданиятини ўрганиш маркази тажрибаси эса ушбу соҳада Ўзбекистон марказларига асқатади.



**Юрген ПАУЛ, Гамбург университетининг Осиё ва Африка институти профессори:**

*— Марказий Осиёдан етишиб чиққан уламолар ислом цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшгани алоҳида эътиборга молик. Мовароуннаҳр ўз даврида Қуръон, ҳадис ва ислом динига оид бошқа илмларнинг умумжаҳон маркази бўлган. Ушбу тараққиёт бу ўлка тарихининг кейинги даврларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Айниқса, темурийлар даврида тасаввуф ҳамда ислом фалсафасининг ривожланиши кузатилди. Биз қадимий ва ноёб қўлёзмаларни ўрганиш соҳасида ўзбекистонлик талаба ҳамда тадқиқотчиларни Германияда кўришдан мамнун бўламиз.*



**Стефан ҲЕЙДЕМАН, Гамбург университетининг Осиё ва Африка институти директори, "Дер Ислам" журнали бош муҳаррири:**

*— Атлантика океанигача етиб борган ислом цивилизацияси иккита асосий марказга эга бўлган. Бири Марказий Осиё бўлса, иккинчиси Ироқ ерларидир. Турли даврларда, жумладан, салжуқийлар ҳукмронлиги вақтида Марказий Осиё маданий ва сиёсий марказ вазифасини ўтаган. Бу ерда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси тараққий топган, шаҳарсозлик ривожланган. Шулар орқали Бухоро, Самарқанд ҳамда Тошкент шаҳарлари ислом маданияти ривожида нечоғли улкан аҳамиятга эга бўлганини тасаввур қилишимиз мумкин. Ушбу маданият Хитой, Эрон, араб диёрлари, Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан ўзаро таъсирда бўлган ва доимо бири бирини бойитиб келган.*

*Ислом цивилизациясининг тарихий мақомини ҳамда бугунги кунга таъсирини ўрганишни маҳаллий тадқиқотчи ва олимларсиз амалга ошириб бўлмайди. Шу боис Гамбург университетининг Осиё ва Африка институти Ўзбекистон марказлари билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўймоқчи. Жумладан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси ҳамда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан қўлёзмаларни сақлаш ва тадқиқ этиш соҳасидаги ҳамкорлигимиз самарали бўлишига ишонаман. Шунингдек, ислом теологияси йўналишида талабалар ҳамда тадқиқотчилар алмашинувини йўлга қўйиш, ўзаро тажриба алмашишга тайёрмиз.*

**Омонулла ФАЙЗИЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

*«ТРАСТБАНК» хусусий акциядорлик банки акциядорлари диққатига!*

**«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки**

2008 — 2017 йил якунлари бўйича банк акциядорларининг навбатдаги ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари баённома қарорларига кўра, банкнинг оддий ва имтиёзли акцияларига ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида олмаган банк акциядорларидан дивидендларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (**жисмоний шахслар учун** — паспорт, СТИР, банкда ҳисобварақ очилганлиги тўғрисида тасдиқнома нусхаси, **юридик шахслар учун** — ташкилот устави нусхаси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома (лицензия), инвестиция воситачиси (депозитарий) томонидан берилган ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма) тақдим қилган ҳолда, банкнинг бош офисига ёки ҳудудий филиалларига мурожаат этишингизни сўрайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-боб, 51-моддасига асосан: **«Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади».**

**Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:**
**100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй, «Трастбанк» ХАБ бош офиси.**
**Телефонлар: 95-198-41-09, 78-140-00-88, факс: 71-244-76-61.**
**Электрон почта манзили: info@trustbank.uz расмий веб-сайти: www.trustbank.uz**
Хизматлар лицензияланган.
299R/203



## Беш ташаббус:

# ҲАР КУНИ ЯНГИЛИК, КУНДА ЎЗГАРИШ

*Одатда экин-тикин мавсумида ҳамма далага отлангани боис, қишлоқ туманлари ҳувиллаб қолгандек бўлади. Лекин, мана, бир неча кундирки, Тошкент вилоятининг Бўка тумани гавжум шаҳарни эслатмоқда. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар қилиняпти. Туманда олиб борилаётган бунёдкорлик, маънавий-маданий ишлар аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаётига янгича мазмун бағишламоқда.*



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

### Жараён

Ҳамма кечаги қилинган ишлар ҳамда бугунги янгиликлар ҳақида сўз очади.

— Бугун маънавият карвони келаётган экан, — дейди суҳбатдошлардан бири.

— Ёшлар ўртасида китоб мутолааси бўйича танлов эълон қилинди. Унинг шартига кўра, 150 нафар сараланган ёш китобхонга мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўйлаб бир ҳафталик саёҳат уюштириларкан, — дейди иккинчиси.

Яна бири "Юртимизнинг етук полвонлари мактабларимизда маҳорат дарси ўтказмоқда" деса, бошқаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев жамоатчилик асосида туман ҳокимига маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчи бўлганлигини таъкидлайди.

### Қалбларда ёнган чироқ

Туманда ёшларнинг мусиқа, рассомлик, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, қобилиятларини намоён қилишини таъминлаш юзасидан кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда. "Бўстон" маданият маркази тўлиқ қайта таъмирланганидан сўнг бу ерда ҳам мана шундай тадбир ташкил этилди. Энг муҳими эса, унда узоқ йиллардан бери биринчи маротаба бадиий фильм намойиш қилинди.

— Катта экранда кино кўришнинг завқи бўлакча экан, — дейди шу қишлоқда яшовчи Хизирали Назаров. — Ҳам ҳаяжонланиб, ҳам бир оз хавотирланиб ўтирдим. Чунки бизда тез-тез чироқ ўчиб туради. Ишқилиб, бугун ўчмасин-да, деган фикр хаёлимдан кўтарилмади. Энди марказимизда бадиий фильмлар мунтазам намойиш қилинар экан. Бундан хурсандмиз. Қалбимизда гўё чироқ ёнди.

Мазкур маданият марказига учта компьютер жамламаси етказиб берилди. "Мустақил Ўзбекистон" ва "Дўстлик" маданият марказларида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Яқин кунларда бу марказлар ҳам янгитдан иш бошлайди. Тўгараклар сони юztадан ошиб кетади.

### Ҳадемай чемпионлар етишиб чиқади

"Янгиқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги стадионда "Спорт — соғлиқ ва саломатлик гарови" шиори остида тадбир ташкил этилди. Унда спортнинг ўзбек жанг санъати, миллий, эркин ва белбоғли кураш, бокс, футбол турлари бўйича кўргазмали чиқишлар қилинди. Дарвоқе, ушбу тадбирга тайёргарлик баҳонасида стадион таъмирланди ва ободонлаштирилди.

Тумандаги 2 ва 16-умумтаълим мактабларида оғир атлетика бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони, ўсмирлар ўртасида Олимпиада ўйинлари ғолиби К. Файзуллаева иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатидан ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари бир олам таассурот олдилар. Кексалардан бири "Бизнинг ҳам қишлоғимиздан ана шундай машҳур спортчилар чиқсин", деб дуо қилди. Бу дуо ижобат бўлса, ажаб эмас. Зеро, туманда амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 11,6 минг нафар ўғил-қиз спорт тўгараклари ва мусобақаларига қамраб олинди.

### Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилмоқда

Туман марказида ташкил этилаётган "Рақамли технологиялар ўқув маркази" учун танланган бинода таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қизғин амалга оширилмоқда. Ўтган бир ҳафта ичида 18 та умумтаълим мактабига 18,85 километр оптик толали алоқа линияси ўтказилди, улардан 5 таси интернет тармоғига уланди. Шунингдек, 8 та мактабгача таълим, 4 та соғлиқни сақлаш муассасасида, амфитеатр, маданият маскани ва ёшлар ижодиёт марказида Wi-Fi ҳудудларини ташкил этиш учун жами 29,87 километр оптик толали алоқа линияси тортилди.

Туманнинг Тинчлик кўчасидаги мусиқа мактаби, Абдулла Қодирий кўчасидаги марказий маданият уйи, ёшлар ижодиёт маркази ҳамда "Бўстон" маданият ва истироҳат боғида ҳам Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилмоқда. Натижада ушбу муассасаларда юқори тезликдаги интернет, сифатли телефон алоқаси IP-TV ва бошқа мультисервис хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Бу тадбирларга 5 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинади.

### Энди навбат — мутолаага

Кеча "Бўка ниҳоллари" ижодий тўгарагига 200 та китоб ва компьютер жамламаси, тумандаги 15-Меҳрибонлик уйига 200 та китоб совға қилинди. Бу билан туманга бепул етказиб берилган адабиётлар сони 18 минг донадан ошиб кетди. Яна 5 минг дона китоб ҳадя қилиш режалаштирилган.

Ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида китоб тақдимоти, китоб ҳафталиги, китобхон ўқувчи номли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Энди навбат — "Мен севган адабий қаҳрамон" мавзуидаги иншолар танловига. Унда ғолиб чиққан мактаб ўқувчиларини ажойиб совғалар кутмоқда. Китоб мутолааси бўйича эълон қилинган танловда ўқилиши лозим бўлган бадиий адабиётлар рўйхати тасдиқланди. Улар мавжуд 49 та умумтаълим мактабининг ҳар бирига етказиб берилди. Нуфузли ҳайъат аъзолари умумтаълим муассасаларидан уч нафардан иқтидорли китобхонни танлаб олади.

### 1 минг 200 нафар хотин-қиз ишли бўлади

"Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти қурувчилари бир ҳафта ичида "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида енгил конструкцияли тикувчилик мажмуасини барпо этдилар. Яна 14 кундан кейин корхона иш бошлайди. Бу ерда 400 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланади. Шунингдек, "Чавлисой" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ана шундай корхона қад кўтармоқда. Яқин икки ой ичида тумандаги тикувчилик корхоналари сони тўрттага етказилади. Бу билан 1 минг 200 нафар аёл ишли бўлади.

Бу ишларни амалга ошириш учун кенг кўламли ҳашарлар ташкил этилмоқда. Пойтахтдан турли карвонлар Бўка сари йўл оляпти. Қисқаси, туманда ҳар куни мана шундай хушхабарлар, кунда ўзгаришлар аҳолини хушнуд этяпти.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

*Шаҳрихон туманидаги 22-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Фаридахон Маматисақова Қалмоқ маҳалласида 2 мингга яқин адабиётлар жамланган кутубхона барпо этди.*

### 5 та китоб ўқиганга битта китоб совға

— Болаларимиз билимга чанқоқ, — дейди Фаридахон. — 5 та китоб ўқиган ўқувчига битта китоб совға қиляпман. 10 дан ортиқ адабиёт мутолаа қилган ўғил-қизлар ундан ҳам кўпроқ китобга эга бўлади.

Устоз кутубхона фондини таъминлаб бориш учун ҳар ойлик маошидан 100 минг сўмдан маблағ ажратмоқда. Келгусида нодир адабиётлар бўлимини ҳам ташкил қилиш ниятида.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

### Билим, малака ва адолат — асосий мезон

*Айни кунларда ИИВ Малака ошириш институти томонидан юртимизнинг барча ҳудудида тизим ходимлари учун ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.*

Уларда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда тўпланган ижобий тажрибалар, ҳар бир минтақанинг криминоген жиҳатлари ўрганилиб, ходимларнинг кундалик фаолиятида йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилаётир.

Ана шундай ўқувлардан навбатдагиси Тошкент шаҳар ички ишлар органлари ходимлари учун ташкил этилди. Мазкур тадбирлар пойтахтимиз туманларининг ўзига хос жиҳатлари, секторлар фаолиятини изчил йўлга қўйиш ҳамда "Хавфсиз пойтахт" концепциясини амалиётга татбиқ қилишнинг муаммо ва истиқболлари каби қатор долзарб масалалар таҳлилига йўналтирилгани боис самарали бўлди. Зеро, кенг доирадаги ушбу машғулотлардан кўзланган мақсад — тизим ходимлари фаолиятида билим, малака ва адолатни асосий мезон сифатида шакллантиришдан иборат.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## ПОЙТАХТИМИЗДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ФОРУМДА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

*Форумда юртимиз тиббиёт ва фармацевтика саноати мутахассислари билан бирга, Россия, Хитой, Франция, Греция, Ҳиндистон, Беларусь, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатлар компаниялари вакиллари қатнашяпти.*

### Тиббиёт

Анжуманда сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасига оид 150 дан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани айтиб ўтилди. Жумладан, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами, юқори технологияли хизматларни жорий этишга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда буйрак ва жигар трансплантацияси каби мураккаб амалиётлар ўтказиляпти.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида умумий қиймати 600 миллион АҚШ долларига тенг 17 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг ташаббускорлари билан биргаликда тўртта инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш бошланди. Жумладан, Туркиянинг "Cani Med Health" компанияси сармоядорлари билан биргаликда лаборатория марказини, Ҳиндистоннинг "Pratiksha Hospital Group" билан ҳамкорликда кўп тармоқли марказни ташкил этиш, "Khalifa Bin Zayed Al Nahyan Foundation" араб компанияси кўмагида "Она ва бола" клиникасини қуриш ҳамда жиҳозлаш, Германиянинг KfW банки томонидан эса минтақавий тиббиёт марказларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш каби лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда.

**2018 йилда Соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро молия институтлари кўмагида 24 миллион АҚШ доллари 6 та лойиҳа ижросига йўналтирилди.**

**Жорий йил охиригача 110 миллион АҚШ доллари қийматидаги 8 та лойиҳани рўёбга чиқариш кўзда тутилган.**

**2018 йилда фармацевтика саноатида 96 миллион АҚШ долларига тенг 34 та инвестициявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. 2019 йилда жами 485 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда.**



Тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тараққий эттириш истиқболлари, тиббиёт ва фармацевтика саноати салоҳияти, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги асосида соҳани ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонда тиббий туризмни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Форум доирасида "B2B" форматидаги кооперация биржаси ҳам бўлиб ўтди. Пойтахтимизда бунёд этилиши режалаштирилаётган "Мед сити" лойиҳаси тақдимот қилинди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Ўзэкспомарказ"да "Соғлиқни сақлаш — TIHE 2019" XXIV халқаро соғлиқни сақлаш кўргазмаси уюштирилди. 18 апрелгача давом этадиган ушбу тадбирда 22 мамлакатдан 250 компания ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тиббий жиҳозлар, лабораториялар, фармацевтик ва стоматологик асбоб-ускуналар, дори-дармон маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Кўргазма доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ўзбекистонда тиббий туризм салоҳияти" мавзуидаги тақдимоти ҳам ўтказилади.

Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳакимов иштирок этди.

**Д. КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.

### Халқаро кўргазма

# ЕВРОПАДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАРГАРЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

*Италияда ташкил этилган дунёга машҳур "Oro Arezzo" халқаро кўргазмасида мамлакатимизнинг заргарлик соҳасидаги бизнес имкониятларига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.*

Италиянинг "Marco Polo Consulting" компанияси, Заргарлик соҳаси ускуналари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, Ўзбекистоннинг мазкур давлатдаги элчихонаси ҳамда "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган форумда тадбиркорлар, заргарлар ва бизнес соҳаси вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекзаргарсаноати" маълумотларига кўра, кўргазмада юртимизнинг заргарлик соҳасидаги бизнес имкониятлари юқори баҳоланган. Шунингдек, италиялик ишбилармонлар билан Ўзбекистонда қўшма бизнес лойиҳаларини амалга ошириш ва ўзбек миллий бозорини яқиндан ўрганиш мақсадида икки томонлама келишувга эришилган.

**М. АҲМАДЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»)**
**тайёрлади.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

POYTAXTBANK
«ПОЙТАХТ БАНК» АЖ
сервер ускуналари
хариди бўйича
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!
Таклифлар 2019 йилнинг
20 апрелига қадар топширилиши лозим.
Техник талабларни қуйидаги
телефонлар орқали олишингиз мумкин:
71-214-20-20, 97-757-55-95.
100063, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Ислом Каримов шоҳкўчаси, 55-уй.
E-mail: dit@poytaxtbank.uz
319Ј/217










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.10 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6